


## I. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 17944 тани ташкил қилди. (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,0 фоизга кўпдир).

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг 2019 йил 1 январь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (жамига нисбатан фоизда)**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 30,0 фоизи), саноат соҳасида (24,7 фоиз), қурилишда (9,2 фоиз) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (8,9 фоиз) ташкил этилган.


2018 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 79,0 фоизи (2017 йил январь-декабрда 79,9 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 199,1 млн. АҚШ доллари (умумий

экспорт ҳажмининг 83,8 фоизи) миқдориди маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 430,5 млн.АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 45,9 фоизи) миқдориди маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши**

(2019 йил 1 январь ҳолатига, фоизда)



**Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти умумий ҳажмидаги кичик тадбиркорликнинг улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида кичик тадбиркорликни улуши, % ҳисобида</i>
--	--	---

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2441,4	95,1
Саноат	3937,1	68,5
Қурилиш	1787,0	93,2

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида кичик тадбиркорликни улуши, % ҳисобида</i>
--	--	---

Чакана савдо	7087,7	90,6
--------------	--------	------

Юк ташиш, млн тн.	20,2	93,9
-------------------	------	------

Йўловчи ташиш, млн.киши	439,9	97,6
-------------------------	-------	------

- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари томонидан 2441,4 млрд.сўмлик ишлаб чиқариш ҳажми (кўрсатилган хизматлар) ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 104,6 фоизга (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 95,1 фоизи) ўсди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3937,1 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 68,5 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига нисбатан 108,1 фоизга ўсди;

- 835,6 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 21,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига нисбатан 144,6 фоизга ўсди;

- 1787,0 млрд.сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 93,2 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 102,7 фоизга кўпайди;

- чакана товар айланмаси 7087,7 млрд.сўм, умумий ҳажмнинг 90,6 фоизи ёки 104,1 фоизга ўсиш билан, хизматлар умумий ҳажми 4184,8 млрд.сўм, мос равишда 69,5 фоизи ёки ўсиш суръати 114,7 фоизни ташкил этди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 105,8 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 88,8 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 98,0 фоизи) кўпайиши таъминланди;